

Дубай валиаҳд шаҳзодаси имомлар ва мусулмон уламоларига виза бериш тўғрисида қарор қабул қилди



13:45 / 19.04.2023 1213

Дубай валиаҳд шаҳзодаси ва Дубай Ижроия кенгаши раиси шайх Ҳамдан бин Муҳаммад бин Рошид Ал Мактум муфтийлар, имомлар, муаззинлар, мусулмон воизлари, олимлар ва тадқиқотчиларга олтин резидентлик визаси бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳақда theislamicinformation.com сайти хабар берди.

Олтин резидентлик визаси эгаси БААга чекловсиз кириш ҳуқуқини олади, шунингдек, бир қатор имтиёзлар, жумладан, доимий яшаш, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш ва мулкка эгалик қилиш имкониятини беради. Виза олган шахс БАА фуқаролигини олиш учун ариза беради ва имкониятдан фойдаланса бўлади.